

## **СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ**

**Қарабаева Дилфуза Жўраевна** - ўқитуви, Термиз давлат университети,  
Термиз, Ўзбекистон.

**Авлиёқулов Искандар Комил ўғли** - Термиз давлат университети  
Академик Лицейи ўқитувчиси. Термиз, Ўзбекистон.

**Аннотация:** Мақолада, Бойсуннинг бетакроп табиати, шифобахш гиёҳлар ва зироат ресурсларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар таҳлил этилган. Ўзбекистонда доривор ўсимликларни ўрганиш ва уларни фармацевтика саноатига қўллаш бўйича амалга оширилаётган тадқиқотлар, хусусан, Сурхондарё вилоятларида кенг тарқалган доривор ўсимликларнинг биологик ва фармакологик хусусиятлари ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** Доривор ўсимликлар, Бойсун, фармацевтика саноати, шифобахш гиёҳлар, экспорт, доривор ўсимликларни ўрганиш, экологик тадқиқотлар.

### **PROBLEMS OF STUDYING MEDICINAL PLANTS IN SURKHANDARYA REGION**

**Karabaeva Dिल्фуза Jurayevna** - Teacher, Termez State University

**Avliyoqulov Iskandar Komilovich** - Teacher, Academic Lyceum of Termez State  
University

**Annotation:** The article analyzes scientific research on the unique nature of Boysun, medicinal herbs, and the utilization of plant resources. It discusses ongoing studies in Uzbekistan regarding medicinal plants, particularly focusing on the biological and pharmacological properties of medicinal plants in the Boysun and Surkhandarya regions.

**Keywords:** Medicinal plants, Boysun, pharmaceutical industry, medicinal herbs, export, plant research, ecological studies.

**Аннотация:** В статье рассматриваются научные исследования, посвященные уникальной природе Бойсуна, целебным травам и использованию растительных ресурсов. Обсуждаются проводимые в Узбекистане исследования лекарственных растений, особенно касающиеся биологических и фармакологических свойств целебных растений в районах Бойсун и Сурхандарья.

**Ключевые слова:** Лекарственные растения, Бойсун, фармацевтическая промышленность, целебные травы, экспорт, исследование растений, экологические исследования.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фармацевтика соҳасида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва мавжудларини модернизация қилиш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш учунқулай шароитлар яратиш, жаҳон бозорида рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ва унинг турларини кенгайтиришга қаратилган таркибий ўзгартиришлар амалга оширилди. Натижада 146 та маҳаллий фармацевтика корхонаси томонидан 2000 хилдан ортиқ дори - дармон воситаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2016 йил якунлари бўйича мамлакатимиз фармацевтика бозорида маҳаллий дори - дармон воситаларининг улуши 55 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга, тармоқда бугунги кунда олиб борилган таҳлиллар ички бозорни маҳаллий дори - дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан янада кўпроқ тўлдириш учун республикамизнинг фармацевтика соҳасини ривожлантириш бўйича янада самарали чора-тадбирлар кўриш зарурлигини кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоизки, дунё фармацевтика саноатида 8500 турдаги дори-дармон воситалари ишлаб чиқарилаётган бўлса, уларнинг 6300 таси халқимиз эҳтиёжлари учун импорт қилинади.

Маҳаллий хомашё ва доривор ўсимликлар асосида дори-дармон воситаларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига фармацевтика маҳсулотларининг маҳаллийлаштирилишини чуқурлаштириш ҳамда кенгайтириш, шунингдек, уларни тиббиёт амалиётига кенг жорий этиш долзарб масала ҳисобланади. Ҳозирги пайтда халқаро тиббиёт амалиётида фойдаланилаётган 350 турдаги доривор ўсимликлардан 71 таси республикада ташкил этилган саноат плантацияларида етиштирилади. Бу эса талаб ва эҳтиёж катта бўлган дори - дармон воситаларини маҳаллий шароитда узлуксиз ишлаб чиқариш учун етарли эмас, албатта. Шунинчун инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқариш қувватларига яқин бўлган экологияси тоза ва соф бўлган туманларда янги плантацияларни ташкил этиш ривожланаётган фармацевтика соҳасининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда доривор ўсимликларнинг 577 тури аниқланган бўлиб, ҳозирги вақтда 250 тури илмий таботатда ишлатилмоқда. Шу кўрсатилган доривор ўсимлик маҳсулотларининг 48% табиий ўсимликлардан, 30% маълум ҳудуднинг турли тупроқ - иқлим шароитидаги хўжаликларида тайёрланади. Қолган 22% эса “аралаш” гуруҳни ташкил қилади, яъни бу гуруҳ доривор ўсимлик маҳсулотлари ҳам ёввойи ҳолда ҳам плантацияларда етиштириладиган ўсимликлардан йиғилади.

Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси маълум фармацевтик, биологик, экологик, агрономик ва агрохимик, бошқа билимларни умумметодологик қоидаларни билиш зарурлигини тақозо этади.

Доривор ўсимликларни 2 хил тавсифлаш қабул қилинган: 1. Таъсир қилувчи моддаларнинг таркибига қараб - алколоидли, гликозидли, эфир мойли, витаминли ва бошқалар; 2. Фармокологик кўрсаткичларига қараб - тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи, ухлатувчи, шунингдек, юрак - қон томир тизимига таъсир қилувчи, марказий асаб тизимини қўзғатувчи, қон босимини пасайтирувчи ва бошқа доривор ўсимликлар. Инсон организмига шифобахш

моддаларни таъсири доривор ўсимликларнинг таркибидаги бирикмаларнинг миқдорига боғлиқ. Бу бирикмалар мавсумга боғлиқ ҳолда ўсимликнинг ҳар - хил қисмларида турли миқдорда тўпланади. Дори шакллари тийёрлаш учун ўсимликнинг ишлатиладиган зарур қисмлари турли муддатларда йиғилади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда профессор Б.Ё. Тухтаев томонидан маҳаллий шароитда доривор ўсимликларни иқлимлаштириш ва етиштириш бўйича самарали илмий натижаларолинди. У томонидан Ўзбекистоннинг шўр тупроқларида 111 тур доривор ўсимликлар интродукция қилинган ёки бошқача қилиб айтганда бу доривор ўсимликлар республикамиз иқлим шароитида ватан топган доривор ўсимликлар ҳисобланади. Ҳозирги пайтда доривор ўсимликлардан оддий игир (*acorus calamus* L.), райхон (*ocimum basilicum* L.), доривор асорун (*valeriana officinalis* L.), доривор тирноқгул (*calendula officinalis* L.), буйрак чойи - (*orthosiphon stamineus* Benth.), доривор мойчечак (*matricaria chamomilla* L.), тукли эрва (*aerva lanata* L.), доривор маврак (*salvia officinalis* L.), бозулбанг (*lagochilus inebrians* Bunge), ўткир баргли сано (*cassia acutifolia* Del.), туркман мандрагораси (*mandragora turcomanica* Mizg.), қора мевали арония (*aronia melanocarpa* L.), доривор розмарин (*rosmarinus officinalis* L.), оддий қулмоқ (*humulus lupulus* L.), Япон софораси (*sophora japonica* L.), стевия (*stevia rebaudiana* Bertoni), қизил эхинацея (*echinacea purpurea* L.), заъфарон (*Crocus*L.) ва бошқалар ўрганилган. Ҳозирги кунда юқорида келтирилган 30 га яқин доривор ўсимлик турларининг катта ёки кичик масштабдаги плантациялари мавжуд.

ЎзР ФА Ботаника институти, Ўсимлик моддалари кимёси институти, Тошкент фармацевтика институти илмий ходимлари билан Термиз давлат университетининг профессор – ўқитувчилари томонидан узвий илмий ҳамкорлик ўрнатилган.

Хулосалар:

1. Сурхондарё табиатдаги доривор ўсимликларни ўрганиш, захираларини аниқлаш ва хом - ашёни тайёрлашни илмий тарзда тўғри режалаштириш зарур.

2. Ўзга худудларга мансуб бўлган доривор ўсимликларни интродукция қилиш ва иқлимлаштириш, уларнинг плантацияларини ташкил этиш, хом - ашёни тайёрлаш, ҳамда қайта ишлаш натижасида тайёр шифобахш дори шакллари ишлаб чиқишни ташкил этиш.

3. Доривор ўсимликлардан тайёрланган турли дори шакллари ва воситаларини маҳаллий аҳолига етарли миқдорда тайёрлаш ва экспорт салоҳиятини кўпайтириш замон талаби ҳисобланади.

#### **Адабиётлар:**

1. Аҳмедов Ў., Эргашев А., Абзалов А., Юлчиева М. Доривор ўсимликлар етиштириш технологияси ва экология. –Тошкент, 2009. -216 б.

2. Тўхтаев Б.Ё. Шўр ерларда доривор ўсимликларнинг интродукцияси. докторлик илмий даржасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: Фан, 1996. 58 б.

3. Yuldasheva Z. F., Karabayeva D. J. The effect of different doses of different biostimulants on the yield of oily sunflower //IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. – IOP Publishing, 2023. – Т. 1142. – №. 1. – С. 012097.

4. Kamalovna Y. Z., Juraevna K. D. Effect of Biostimulator Norms on the Growth and Development of Sunflowers. – 2023.

5. Kamalovna Y. Z., Jo‘raevna K. D. THE EFFECT OF BIOSTIMULANTS AT DIFFERENT RATES ON THE YIELD OF REPLANTED OILSEED SUNFLOWER //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2023. – Т. 21. – С. 35-40.

6. Qoraboeva D. J. THE IMPACT OF VARYING THE RATE OF BIOSTIMULANT APPLICATION ON THE STEM HEIGHT OF OILSEED

SUNFLOWER PLANTS THAT HAVE BEEN REPLANTED //Экономика и социум. – 2024. – №. 6-2 (121). – С. 525-528.

7. Kamalovna Y. Z., Zhuraevna K. D. THE EFFECT OF REPEATED BIOSTIMULATORS ON STEM HEIGHT //JOURNAL OF HEALTHCARE AND LIFE-SCIENCE RESEARCH. – 2023. – Т. 2. – №. 11. – С. 42-46.

8. Kamalovna Y. Z. et al. The Effect of a Biostimulator on the Growth, Development and Yield of Oily Sunflower //International Journal on Integrated Education. – Т. 3. – №. 11. – С. 157-159.